



Хуросон, Самарканд, Бухоро, Фаргона ўлкасини фатх этган Ислом фотиhi Кутайба ибн Муслим хижрий 95-96 йилларда Шаркий Туркистон шаҳарларини куфрдан халос қилиш учун жангга отланди ва Ислом футухотини Чин марказига етказди. Аммо Бағдоддаги халифа Ибн Абдулмалик билан оралари бузилиб қолди. Ва Андижон яқинидаги Сўфикишлоқда ўз аскарлари томонидан ўлдирилди. Халид ибн Валиддан кейинги биринчи даражали атоқли фотиhi Кутайба иттифоксизлик шумлигидан фожиага учради. Шарқда Ислом динининг тарқалишига катта зарба етди.

Милодий 710 йилда икки буюк Ислом қўмондони Мусо ибн Наср ва Торик ибн Зайд ўз аскарлари билан Гибралтар бўғози орқали ўтиб, Испания, Португалия ва Жанубий Франсани забт этдилар ва Оврупада Андалусия номи Ислом давлатига асос солдилар (Дарвоқе, Гибралтар – Жабали Торик, яъни «Торик тоғи» дегани). Кейинчалик бу икки қўмондон ўзаро ҳасадлашиб қолиб, иттифоклари бузилиши натижасида Гарбдаги Ислом футухоти тўхтаб қолди.

Ўрта Осиё ерларида ҳукмронлик қилган Бухоро амирлиги, Хўканд ва Хива хонликлари ҳурофот ботқоғига ботиб, жоҳилиятда қолиб, душманга қарши бирлашиш ўрнига ўзаро низо ва қон тўқиш билан машғул бўлдилар ва учала салтанат ҳам руслар истилосининг қурбони бўлди. (Алихонтўра Соғуний, «Туркистон қайғуси», Тошкент, 2003 йил).

Бундай ноиттифокликлар ва улар қелтираётган фожиалар ханузгача давом этиб қелмокда.